

УДК 33

Нурманов У.А.

и.ф.н., доцент

Ташкент молия институти

ИҚТИСОДИЁТНИ ГЛОБАЛЛАШУ ШАРОИТИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ - УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонида саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган ислоҳотлар баён этилган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар жорий активлар таҳлилини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: жорий активлар, жорий активларнинг таркиби, жорий активларни бошқариш модели, жорий активлар бошқарув таҳлилини ташкил этиш.

Ulugbek A. Nurmanov
PhD in Economics, Associate Professor
Tashkent Institute of Finance

Abstract. In this article, the Decree No. PF-60 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 “On the new development strategy of Uzbekistan for 2022-2026” describes the reforms aimed at further liberalization of the leading sectors of industry and the economy, as well as completing the transformation processes and increasing the production of construction materials. Also, proposals and recommendations are given for improving the analysis of current assets of economic entities.

Keywords: Organization of current assets, composition of current assets, current asset management model, current asset management analysis.

1. Кириш.

Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилишда асосий эътибор маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш белгиланган.

Республикамизда рўй берадиган турли иқтисодий ўзгаришлар оқибатида аҳамиятли ютуқлар кузатилиб, булар ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув шароитидаги иқтисодиётига ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Натижада, бу жараён акциядорлик жамиятлари, хорижий давлатлар иштирокидаги қўшма корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал қийматининг барқарорлигига ҳамда жорий активларига ўзининг турли йўналишларида таъсирини ўтказмоқда.

Хўжалик юритувучи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини амалга

оширишлари учун маълум даражада маблағларга эга бўлишлари керак. Бу маблағлар хўжалик юритиши жараёнида турли хил функцияларни бажариши билан бир қаторда маблағларнинг ҳолати ва ҳаракатини тўғри амалга оширилишида уларнинг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида жорий активлардан самарали фойдаланиш эвазига маҳсулот таннархининг камайиши, фойданинг кўпайиши ва рентабеллик даражасининг ошишига эришилади. Бироқ, бу жорий активларни қай тарзда шакллантириш ва улардан фойдаланишга бевосита боғлиқ. Шу сабабли бу соҳада таҳлил ва назорат ишларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

2.Адабиётлар таҳлили

Хар бир хўжалик юритувчи субъект маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни амалга оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда, рақобатбардошлигини оширишда ва ишлаб чиқариш жараёнинг кўламини кенгайтиришда жорий активлар мавқейини янада оширишга ҳаракат қиласди. Хўжалик субъектларининг жами активлари таркибида ҳам жорий активлар юқори мавқени эгаллайди. Жорий активлар ўзининг ҳаракатчанлиги ҳамда тез пулга айланувчанлиги билан хўжалик субъекти фаолиятида юқори самара келтирувчи маблағлардан бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик субъектларнинг жорий активлари узоқ муддатли активлардан фарқ қилиб, бир ишлаб чиқариш циклида тўла истеъмол қилинади, ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматига ўтказади ва ашёвий-натура кўринишида ҳам, қиймат тавсифида ҳам тикланади ва шу йўсинда узлуксиз ҳаракатда бўлади.

Жорий активлар ҳақидаги иқтисодчи олимларнинг қарашларига назар ташласак, Ж.Ван Хорн фикрига кўра “Жорий активлар – бир йил ичida пулга айлантириш мумкин бўлган товар-моддий захиралар, дебиторлик қарзлар ва уларнинг бошқаришини ўз ичига оладиган активлар” – деб ҳисоблайди.

Н.Кондраковнинг фикрича: “Айланма активлар – материаллар, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва ҳисоблашиш маблағларидан таркиб топади”.

А.Каримов, Ф.Исломов ва А.Авлоқуловнинг фикрича “Жорий активлар одатда нақд маблағларни, истеъмолчилар ҳисобрақамларини ва нақд маблағлар шаклини эгаллаши лозим бўлган захираларни ўз ичига олади”.

Хўжалик субъектларнинг жорий активлари, пул маблағлари, уларнинг эквивалентлари ва олинадиган счёtlар бўлиб, хўжалик муомалаларининг ушбу активлари қўйидагиларга бўлинади:

- товар-моддий захиралари;
- олинадиган счёtlар;
- олдиндан тўланган сарфлар (берилган бўнаклар);
- дебиторлик қарзлари;
- пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари;
- қисқа муддатли инвестициялар ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун хўжалик субъекти тасарруфида бор бўлган ресурслар захирасига, шунингдек, уларнинг нормадан ортиқча тўпланиб қолмаслигига аҳамият бериш лозим. Акс ҳолда маблағларнинг айланувчанлиги секинлашади ва ишлаб чиқариш жараёни бузилади. Жорий активларни ишлаб чиқаришда иштирок этиш тавсифи ва унга таъсир этиш даражасига кўра, шунингдек, шаклланиш манбалари бўйича таркиблаш лозим. Шунингдек, жорий активларни қўйидаги тоифаларига ажратиш мумкин, яъни:

ликвидликлигига, жорий активларнинг ишлаб чиқаришдаги қатнашиши, жорий активларнинг меъёрлаштирилиши, жорий активларни шаклланиш манбаси, жорий активларнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолашда таваккалчилик даражасига кўра таснифланди.

Иқтисодиёт субъектларининг фаолиятида хўжалик алоқалари муҳим ўрин тутади. Чунки, бу алоқалар орқали таъминот, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш жараёнлари амалга оширилади. Хўжалик алоқалари шартномаларга асосланиб амалга оширилади. Натижада битта хўжалик субъекти товар-материал захираларини етказиб берувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи, иккинчи хўжалик субъекти эса сотиб олувчи, истеъмолчи сифатида майдонга чиқади ҳамда иш ва хизматларнинг қийматини тўлаш бўйича хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Бу алоқалар натижасида ҳосил бўлган ҳисоблашишларни аниқ ташкил қилиш жорий активларнинг тезкорлик билан пулга айланиши ва маблағларининг ўз вақтида келиб тушишига шароит яратиб беради. Хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активлари ишлаб чиқариш ва ҳисоб-китоб функцияларини бажариши бўйича тавсифланиши лозим. Ишлаб чиқариш функцияси орқали жорий активлар ишлаб чиқаришнинг маромийлигини таъминлаши, муомала функцияси бўйича уларни товар шаклидан пул шаклига айланишида ҳисоб-китоблар назарда тутилади. Хўжалик юритувчи субъекти ишлаб чиқариш фаолиятининг натижавийлиги, бир маромда ишлаб чиқаришни ташкил этилиши унинг жорий активлар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараённида жорий активларнинг етишмаслиги ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, узлуксизлигига ва давомийлигига таъсир этиб, оқибатда хўжалик юритувчи субъекти ночор ҳолатга келиб қолиши мумкин. Шу билан бирга жорий активларнинг меъёридан ортиқча сақланиши эса улардан самарасиз фойдаланилинишига олиб келади. Мамлакатда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналари жорий активларнинг таркибини ишлаб чиқаришнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активлари таркибини қўйидаги 1-расмда кўрсатиб ўтдик.

Юқоридаги расмда келтирилган кўрсаткичларга эътибор қаратилганда хўжалик юритувчи субъектларда жорий активлар ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш фондлари меҳнат обьектлари ва воситалари (ҚҚС билан бирга) ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришдан, муомала фондлари эса пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, ҳисоб-китоблардаги маблағлар (дебиторлик қарзлари), тайёр маҳсулот, ёрдамчи хизмат кўрсатиш ва бошқа маҳсулотлардан иборат эканлигини қўриш мумкин. Мазкур тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларда фойдаланиладиган жорий активлар таркибий ўзгаришига тармоқнинг хусусияти ва ўзига хослиги, тайёр маҳсулотга бўлган талаб, молиявий ҳолати, моддий-техник таъминоти, мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар, ҳисоб сиёсати, табиий-иқлим шароити ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

Жорий активларни маълум бир белгиларига кўра таснифлаш, турли босқичларида жорий активларни ташкил этиш ва кейинчалик бошқариш учун зарур бўлган алоҳида гурухлар нисбатини тартибга солишда ёрдам беради. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхонасининг такрор ишлаб чиқариш жараёнида ёки функционал асосда жойлашишига қараб унинг активлари ишлаб чиқариш

жараёнидаги жорий активлари ҳамда муомала жараёнида иштирок этадиган айланма фондларига ажратилади.



1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда жорий активлар таркиби¹

Ушбу фондлар ўртасидаги номутаносиблик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат объектларининг етишмаслигига (хом ашё, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар) олиб келиши мумкин, бу эса товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тўридан-тўғри таъсир қиласди.

Хар бир хўжалик юритувчи субъекти жорий активларнинг ҳажми ва тузилишидан келиб чиқиб етарли миқдорда эҳтиёжларини қондириши керак. Жорий активларнинг минимал даражада бўлиши маҳсулот ишлаб чиқаришда, шу жумладан, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда уларнинг узлуксизлигини таъминлаш учун етарли бўлишини талаб этади. Молиявий таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг мулки, захиралари ва харажатларни ҳар томонлама ўрганишдир.

Шунингдек, жорий активлар таҳлилида активлар салмоғида энг юқори улушга эга бўлган элементлар орқали уларнинг айланиш самарадорлигини янада ошириш йўллари ва улардан фойдаланиш стратегияси ишлаб чиқилади. Жорий активларни бошқариш жараёнидаги муҳим вазифаларидан бири бу бир хил белгилари бўйича таснифини ўрганиш бўлиб, у бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жорий активларнинг ҳар хил турларига эътибор қаратиш имконини беради. Тайёр

¹ Иқтисодий адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси

маҳсулотлар сотилиши орқали пул маблағларига айланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда одатда мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашиш счётига маблағларни ўтказишда муддати бўйича кечикирилади, натижада кредиторлик қарзларининг ўртacha айланиш даврида муомала босқичи молиявий босқичга нисбатан камроқ даврни ўз ичига олади. Лекин бу ҳолат молиявий босқич ишлаб чиқариш босқичи якунлангандан сўнг бошланади деган фикрдан йироқдир.

Ишлаб чиқариш босқичининг қисқариши айланма маблағлар айланувчанлигини қисқартиради ва фаолиятга қўйидаги ҳолатларда таъсир этади: захираларнинг айланиш даврини, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг айланиш даврини ва тайёр маҳсулотларнинг айланиш даврини қисқартиради.

Хўжалик юритувчи субъектларидағи жорий активларда асосий ўринни товар-моддий захиралар эгаллайди. Чунки, хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқаришни юритишга зарур бўлган хом ашё ва материалларни жамлайди. Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш натижасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пасайиши маҳсулот таннархининг камайишига ҳамда хўжалик субъектлари соф фойдасининг ортишига олиб келади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш захираларининг турдош турларидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати яхшиланади, бу эса хизмат қўрсатиш соҳаларининг янада кўпайишига туртки бўлиб хизмат қиласди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши таннархининг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, хўжалик субъектларининг моддий ресурслар билан белгиланган ассортименти ва сифати бўйича таъминланишига боғлиқдир.

Жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўз ишлаб чиқаришини бир меъёрда самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес-режаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш захиралари билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, ҳозирги вақтда қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ишлаб чиқариш захиралари билан етарли даражада таъминланмаганлиги ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтаб қолишига сабаб бўлмоқда. Хўжалик субъектларнинг ишлаб чиқариш захиралари билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маромда таъминланиши ҳамда улардан оқилона фойдаланиш пировард натижада уларнинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этишга ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш захираларида асосий эътибор ушбу захираларнинг шаклланиш манбаларига қаратилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзида тайёрланган хом ашё ва материаллар билан биргаликда ҳозирги иқтисодий шароитда молиявий воситаларни жалб қилишнинг муҳим омили бўлган банк кредитларидан ҳам кенг фойдаланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кўпгина хусусий сектор хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш захираларини шакллантиришда мол етказиб берувчи субъектлар билан ҳисоблашишда кредиторлик қарзлари ҳам вужудга келмоқда. Бу ҳолат баъзи хўжалик субъектларини охир-оқибат салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мамлакатдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва жорий активларни шакллантириш манбаларини ошириш мақсадида бир қанча қарор ва фармонлар чиқарилди.

Жумладан, Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва

экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган курилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чукурлашириш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш, тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва курилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш кўрсатиб ўтилган.


Бу эса тармоқнинг яқин истиқболга мўлжалланган ривожланиш кўрсаткичлари ва стратегиясини белгилаб, уни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва курилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга қаратилган.

Бошқарув жараёнида барча қурилиш материалларининг ишлаб чиқарилиши, унинг алоҳида тармоқлари таркибидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг узлуксиз ишлашини, ўз навбатида уларнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиягини таъминлаш мақсадида жорий активларнинг тузилиши, уларнинг таркибини манипуляция қилиш зарур. Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг таҳлили ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг тўғри бошқарилишини инобатга олиб, жорий активларни бошқариш модели 4 та асосий жараёнга ажратилади. Улар қуидагилардан иборат:

- *Ишлаб чиқариши жараёни* - тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- *Инвестицион жараён* - пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий кўйилмалар, ҳисоб рақамидаги маблағлар ва бошқаларни бошқариш;
- *Таъминот жараёни* - меҳнат буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш, заҳираларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришга юбориш ва бошқаларни бошқариш;
- *Маҳсулотларни сотиши жараёни* - қурилиш материалларига бўлган талабни аниқлаш, юклаб жўнатиш ва бошқаларни бошқариш.

Курилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги ва ушбу тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари жорий активларни бошқаришни ташкил этишда замонавий ёндашувларни талаб қиласди. Шу сабабли уларни қуидаги 2-расмда келтирилган кетма-кет ҳаракатлар шаклида тақдим этишимиз мумкин:

Фикримизча, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давомийлик жараёнини таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектни дастлабки босқичи жорий ва келгуси даврларда жорий активларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқсан бўлиши зарур. Жумладан, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва товар-моддий заҳиралар нисбатан паст даражада сақланса ва қурилиш материаллари комплекси учун жорий активларга муҳтоҷлиги ҳамда узлуксиз ишлаб чиқарishни амалга ошириш учун маблағ этишмаслиги эҳтимоли мавжуд бўлмаса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхона фаолияти юқори даромадли ҳисобланади.



2-расм. Курилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик юритувчи субъектларида жорий активлар бошқарув таҳлилини ташкил этиши¹

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда қўлланилган методология қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активлар бошқарув тизимини ва унинг имкониятларини такомиллаштириш масалалари ўрганилиб, таҳлил, синтез, абстракт-мантикий ва танқидий фикрлаш ҳамда умумлаштириш усуллардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонида келтирилган Давлат дастурида «2022 – 2026 йилларда 5 млрд АҚШ долларлик лойиҳаларини амалга ошириш орқали қурилиш материаллари соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши» вазифаси белгиланган.

Шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналар лабораторияларининг маъмурий бино ва иншоотларини қуриш, уни илғор ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида, «Қизилқумцемент» АЖ – 30,5 млрд сўм, «Кварц» АЖ – 4 млрд сўм ҳамда «Бекободцемент» АЖ – 3,4 млрд сўм, жами 37,9 млрд сўм пул маблағларини корхоналар инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳисобидан Марказнинг устав капиталидаги улушларини кўпайтириш учун 2020 йил 1 июлга қадар ўтказиб берилиши белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал

¹ Иқтисодий адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси

ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори соҳанинг яқин истиқболга мўлжалланган истиқболлари ва стратегиясини белгилаб берди. Курилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилиши кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва уюшма билан биргаликда:

а) қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун 2019-2021 йилларда халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларининг 500 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш ва фойдаланиш;

б) кредит линиялари ҳисобига қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг қуйидаги механизмини жорий этиш:

- кредит линиялари маблағлари биринчи навбатда рўйхатга киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши;

- лойиҳалар импорт орқали келтириладиган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг қиймати миқдорида, бироқ лойиҳа бўйича умумий капитал харажатларнинг 70 фоизидан ошмаган миқдорда молиялаштирилиши белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори соҳанинг яқин истиқболга мўлжалланган истиқболлари ва стратегиясини белгилаб берди. қурилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилиши кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва уюшма билан биргаликда:

а) қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун 2019-2021 йилларда халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларининг 500 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш ва фойдаланиш;

б) кредит линиялари ҳисобига қурилиш материаллари саноати соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг қуйидаги механизмини жорий этиш:


- кредит линиялари маблағлари биринчи навбатда рўйхатга киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши;

- лойиҳалар импорт орқали келтириладиган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг қиймати миқдорида, бироқ лойиҳа бўйича умумий капитал харажатларнинг 70 фоизидан ошмаган миқдорда молиялаштирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, асосий мақсад тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга қаратилган. Юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал этилиши натижасида

2025 йилга қадар ишлаб чиқариш ҳажмларини ёғоч ва бошқа ёғочбоп материаллардан тайёрланган плиталар – 15 баробарга, газобетон блоклари – 7 баробарга, лак-бўёқ материаллари ҳамда энергия ва иссиқликни тежовчи флоат-технология асосида тайёрланган архитектура-қурилиш ойнаси – 4 баробарга, базальтдан тайёрланадиган композит арматура – 3 баробарга ва цемент бўйича – 2 баробарга ошириш кўзда тутилган. Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, айни кунда юртимизда 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Бундан икки йил муқаддам бу борада 120 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 180 тадан ошиди. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасига аъзо корхоналарининг ўзида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,8 фоизни ташкил қилган.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги ва ушбу тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари жорий активларни бошқаришни таҳлил этишда замонавий ёндашувларни талаб қиласди. Амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда тадқиқот обьекти “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг жорий активлари таҳлил қилинди.



3-расм. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси жорий активлари таркибининг таҳлили¹

Ушбу расм маълуотларидан кўришимиз мумкинки, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасида жорий активлар таркибида энг қўп улушни товар-моддий захиралар эгаллаган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2016 йилда 665069 млн. сўмни бўлиб, 2021 йилга келиб 1124708 млн.сўмга етган. Пул маблағлари эса 2016 йилда 761196 млн.сўмдан 2020 йил 235649 млн сўмни ташкил қилган. Шу билан бирга жорий дебиторлик қарзлари 2016 йилда 318971 млн.сўмдан 2020 йилга келиб 1086125 млн.сўмга қадар етиб борган. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, жорий активлар таркибидаги товар-моддий захиралари ортиб борганлигини ижобий баҳолаган ҳолда, жорий дебитор қарзларни уюшма томонидан имкон қадар бартараф қилиш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ.

4. Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давомийлик жараёнини таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъект дастлабки

¹ Иқтисодий адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси

босқичининг жорий ва келгуси даврларда жорий активларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқсан бўлиши зарур. Жумладан, бу ҳолатда:

- пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва товар-моддий захиралар нисбатан паст даражада сакланса ва қурилиш материаллари комплекси учун жорий активларга муҳтожлиги ҳамда узлуксиз ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун маблағ етишмаслиги эҳтимоли мавжуд бўлмаса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхона фаолияти юқори даромадли ҳисобланади;
- жорий активларни маълум бир белгиларига кўра таснифлаш ҳамда жорий активлар бошқарув таҳлилини ташкил этиш орқали турли босқичларда жорий активларни таҳлил қилиш ва кейинчалик бошқариш учун зарур бўлган алоҳида гурӯхлар нисбатини тартибга солишда ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Карори.
3. Хорн В. Д. Основы финансового менеджмента / Джеймс Ван Хорн/ 12-е издание: пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильяме», 2008. - С. 363-364.
4. Кондрakov Н.П. Бухгалтерский (Финансовый управленческий) учет: Учебник.– М.: «Проспект», 2009. – С. 8.
5. Каримов А., Ф.Исломов., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. - Тошкент.: Шарқ, 2004. - Б. 49.
6. Молиявий ва бошқарув таҳлили. - Тошкент.: Шарқ, 2005. - Б. 212.